

ДЕМОГРАФИЯ ВА ИНСОН ФЕНОМЕНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ САҲНАСИДА

Оила, бола тарбияси ва барча демографик жараёнлар пировард натижада инсон омилига келиб тақалади. Бунда инсоннинг яратувчилик фаолияти, унинг насл учун ғамхўрлиги, оила куриш муаммоларини ақл-идрок ёрдамида ижобий ҳал қила олиши каби жараёнлар мазмунан модернизация билан боғланади. Одам боласининг камолга етиши ўта мураккаб демографик ўзгаришларнинг таркибий компоненти ҳисобланади. “Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл”, “Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин”, “Бола-азиз, одоби ундан-да азиз”, “Қуш уясида кўрганини қилади”, “Қарқуноқдан булбул чиқмас”, “Илоннинг боласи-илондир, чаённики-чаёндир”, “Ниҳол-ёшидан, бола бошидан”, “Одобинг-зийнатинг”, “Ёмондан яхши чиқди деб суюнма, яхшидан ёмон чиқди деб куюнма”, “Эр-хотин – кўш хўкиз”, “Бир болага етти кўшни ота-она”, “Яхшига ёндашсанг-етарсан муродга, ёмонга ёндашсанг-қоларсан уятга”, “Яхши берсанг тарбия-дилрабо фарзанд бўлур, Ёмон берсанг тарбия-ортиқ бало фарзанд бўлур” каби нақл ва иоралар ёхуд ҳикматли сўзлар бежиз айтилмаган, ахир!

Мамлакатимизда 2012 йилнинг “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилиниши бир қатор ижтимоий ва методологик муаммоларни кун тартибига қўйди ва уларнинг ечими учун махсус давлат дастурининг қабул қилиниши муҳим маънавий ва сиёсий ҳамда демографик ҳодиса бўлди, албатта. Ушбу дастур талабларини бажариш учун юртимизда улкан эврилишлар содир этилди, уларнинг замирида анчайин ижтимоий модернизация ўзгаришлари рўёбга чиқди.

Жаҳон цивилизацияси тарихида демографик ўзгаришлар ўчмас излар қолдирганлиги сир эмас. Фақат уларнинг яхшилик ва эзгулик муҳитида содир этиш лозимлиги асрлар давомида ўз исботини топди. Бунда инсоният қўлидаги тафаккур машъаласи жамиятнинг юрар йўли ва унинг кўзлаган нузли манзилининг координатасини ёритиб турмоғи шарт.

Умуман, инсон зоти борки, унинг ҳар бирида ўзига хос талант, истеъдод ва иқтидор бўлади, албатта. Гап шундаки, бундай қобилият икки йўналишда намоён бўлади: яхшилик ва эзгуликка ёки ёвузлик ва ваҳшийликка қаратилган хатти-ҳаракатлар. Цивилизациянинг энг катта ютуқларидан бири–жамият ҳаётининг барча жабҳаларида инсон омилнинг етакчи кучга айланишидир. Энг муҳими, «инсон аниқ мақсад сари интилса, унга барча шарт-шароит яратиб берилса, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилса, у энг юксак марраларни эгаллашга кодир бўлади»¹.

Маълумки, инсон умри ёниб ўчар га баробардир (ташбех мухтарам шоиримиз Э.Воҳидовники). Бир пайтлар, яъни бундан қарийб минг йил илгари дунёнинг энг кучли математиги, таниқли астрономи ва буюк файласуфи Умар Хайём (Эрон, Нишопур /1048-1131/) каромат қилганидек, бир инсоннинг туғилиши, яшаши ва дорилбақога рихлат қилиши тарихан

¹ Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш-барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимиз-нинг пировард мақсади. –Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 20 б.

қисқа ўлчам доирасида экан, нега бунчалик риёзат, не учун бунчалар жабру жафога ўзни гирифтор этар бу зоти олий, яъни одами шариф?

«Томчи сув дарёда йўқ бўлиб кетди,

Ерга чанг қўнди-ю, кўмилиб кетди.

Дунёга келишинг, кетишинг нима,

Бир чивин туғилди ё ўлиб кетди.» /Умар Хайём/

Халқимизнинг севимли шоири Сирожиддин Саййид такаллуми билан айтилса, «Биродар, кўзда ёш, қўлда жом надир,

Савдолар ичинда ёлғиз бош надир?

Насихат нимадир, баҳс-талаш надир,

Дунё топилади, одам топилмайди.»

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ўз асарларида қайта-қайта таъкидлаганидек, ислохотлар фақат инсон учун, унинг манфаати учун хизмат қилиши лозим ва бунда инсоннинг ўзи бош фигура ролини бажариши лозим. Дарҳақиқат, агар инсон бўлмаса эди, на давлат, на жамият, на таълим, на фан ва на ишлаб чиқариш бўлар эди, бу оламда!

Миллий иқтисодиётнинг юксалиши учун барчамиз масъул эканмиз, бизга жамият нима берди, деб эмас, балки биз мустақил Ўзбекистоннинг не кунига яраяпмиз, деган савол билан ошуфта бўлишимиз керак, албатта.

Инсон феномени шунчалик мураккабки, уни тўла шарҳлаш ва ўлчашга мавжуд қомуслар ва тарозилар ожизлик қилмоқдалар. Бунинг боиси, биогенетик ва молекуляр биологик жамғарманинг ўта бойлиги ва мукамаллигидадир.

«Барча нарса инсон учун, унинг манфаати учун», шиорини амалиётга татбиқ этиш, «Яратиш, ва яна яратиш, ижод ва бунёдкорлик» қабилида иш юритишни кундалик одат ва тартиб-қоидага айлантириш, қадриятларга ҳурмат ва эъзоз, инсоннинг ўзини эса олий қадрият тарзида тан олиншини аждодлардан авлодларга бекаму кўст етказиш, инсон феноменида мавжуд бўлган ботиний иллатлардан қутилиш йўлини қидириб топиш ва йўл қўйилган хато ҳамда камчиликлардан ижобий сабоқ чиқариш, инсон омилининг барча тамойиллардан устуворлигини амалда исбот этиш ва ундан бугунги кун учун дастуриламал тарзида самарали фойдаланиш, кечаги кун ва эртанги истиқбол учун мавжуд вазиятдан оқилона иш тутиш орқали сабоқ олиш ва келгуси фаолият мақсадида методологик мўлжал сифатида фойдаланиш яқин кунлардаги методологик вазифалар сафида турмоғи лозим..

Иқтисодиёт ва унинг модернизацияси-ўта муҳим ижтимоий ҳодисадир. Чунки аҳоли сонининг ортиши билан ўз-ўзидан глобал (умумбашарий) муаммолар кўпроқ пайдо бўлиб боради. Буларнинг орасида энг муҳимлари

озиқ-овқат, энергия таъминоти ва соғлиқни сақлаш масалалари билан боғлиқ соҳалардир. Лоақал, ана шу уч муаммонинг тўғри ва илмий-ижобий ечими иқтисодиётга боғлиқ-ку!? Тўйиб овқат емаган ёки эса ҳам тўлақонли озуқа рационига эга бўлмаган, тугаб борувчи энергия

захирасига (нефть, кўмир, табиий газ ва бошқаларга) ишониб хўжалик юритувчи, экологик кескин вазиятни ўзи яратиб, эндиликда ўзи қаерга қочишини билмасдан турган инсонга фақат модернизациягина ёрдам қўлини чўза олади.

Модернизация эвазига ҳаёт ва турмушнинг оғир юкини енгиллатиш мумкин. Шу сабабли, янги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва хўжалик юритиш даврида модернизация ва уни амалга оширувчи инсон омили олдинги ўринга чиқиши, табиийдир. Бунда инсоннинг жисмоний шахс сифатида эмас, балки антропоген, аниқроғи, техноген омил сифатидаги мавқеини кўтариш, яъни унинг ақл-заковати билан яратиладиган соҳалардан унумли фойдаланиш (электроника, автоматика, робототехника, компьютерлаштириш, нанотехнологиялаштириш ва бошқалар), чиқитсиз ва чиқиндисиз технологияни кенг йўлга қўйиш, аграр соҳада ҳосилдорлик ва маҳсулдорликни ошириш эвазига озиқ-овқат муаммосини ечиш, олинган ҳосил ва маҳсулотдан максимал даражада фойдаланиш йўллари топиш, касаллик ва ҳаёт учун хавф-хатарли омиллари енгиллатишнинг кимёвий, биологик ва биотехнологик ечимларини йўлга қўйиш, субъект сифатида инсон шахсининг баъзи жузъий нуқсонларини антропоген ҳосила сифатида бартараф этиш, инсон омилининг модернизациядаги ролини ортиқча баҳоламаслик ва оқилона ечим тарзида жонли ва жонсиз табиат ўртасида мақсадга мувофиқ мувозанатни шакллантириш, цивилизация ютуқларини суиистеъмол қилмасдан ва ортиқча эҳтиросларга берилмасдан инсон феноменининг аксиологик ва репродуктив ҳамда интеллектуал потенциалидан ўринли фойдаланиш орқали истиқболли вазифаларни белгилаш ва ундан мақсадга мувофиқ равишда хўжалик юритиш учун манфаатдор бўлиш кабилар диққат марказида туриши лозим.

Бир пайтлар барча муаммаларни кадрлар ҳал қилади, деган ақида ҳукмрон эди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти бу борада ўз пайтида аниқлик киритди ва барчамиз учун муҳим методологик вазифанинг ечимини кун тартибига қўйди: «Кадрлар тайёрлаш-узок давом этадиган жараён бўлиб, у ҳар биримиздан астойдил, бетиним ва изчил меҳнатни талаб қилади».

Ўзбекистоннинг порлоқ истиқболли кадрлар иштирокисиз тасаввур этиб бўлмаганидек, миллий иқтисодиётнинг келажagini ҳам ақл-заковотсиз белгилаб бўлмайди. Агар фақат сиёсат ва маданият, ширин такаллуф ва умригузаронлик билан иш битганида эди-олам гулистон бўларди. Таассуфки, аслида ундоқ эмас. Буюк авлиё Баҳовуддин Нақшбандий ўз вақтида тўғри эътироф этганидек, «Дил ба ёру, даст ба қор» барчамизнинг умр шиоримизга айланиши лозим. Ана шундагина кўзланган нурли манзилларимизгача бўлган масофа анча қисқаради, албатта.

Бугунги кунда Ўзбекистонда кечаётган демографик ўзгаришлар ва унинг ташкилотчиси ва илҳамчиси бўлмиш давлатимизнинг диалектик ўзаро алоқаси кун сайин ривожлаиб бораётганлигига барча гувоҳ бўлиб турибди. Оилани мустаҳкамлаш, фарзандлар тарбияси, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш масалалари давлатимизнинг иш юритишида устувор йўналишларга айланиб улгурди. Бунга шукрона келтириш ва ҳисса қўшиш барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир.

